

## ЯНГИ ҲАЁТ ҚҮНФИРОҒИ: ВИЛОЯТИМИЗДАГИ МАКТАБЛАРДА “СҮНГГИ ҚҮНФИРОҚ” ТАДБИРЛАРИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги вилоят чет тилларни ўқитишига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида бўлиб ўтган “Сўнгги қўнфироқ” тадбирида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Вилоят ҳокими дастлаб, Президентимизнинг умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Давлатимиз раҳбарининг катта эътиборлари ва ғамхўрликлари натижасида жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаш имкониятига эга бўлган ёшларимиз мустақил ҳаётда ўз ўринларини топишлари, давлатга, жамиятга нафи тегадиган мутахассислар бўлиб етишишларига умид билдириди.

Битирувчиларни касб эгаллашлари билан бирга ўқиб-ўрганиш, изланишдан тўхтамасликлари, доим яхши ниятлар қилиш кераклиги, яхши ниятлар яхши мақсадларга айланиши, ўз устида ишлаб, илм олишдан, изланишдан тўхтамаган, тўғри йўл билан бориб, қатъият билан ҳаракат қилган инсон барча мақсадига етиши таъкидланди.

Мазкур мактабнинг битирувчилари ўтган йили олий таълим муассасаларига киришда ўртacha 152,6 балл олиб, Республикадаги қарийб 11 мингта мактаб орасида 4-ўринни эгаллагани, бугунги кунда бу ерда 271 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, ҳозирда уларнинг 44 нафари халқаро ва миллий сертификатларни қўлга киритгани, айниқса, 17 нафар 11-синф битирувчиларининг барчаси халқаро ва миллий сертификатга эга бўлгани таҳсинга сазоворлиги эътироф этилди.

Тадбирда ўқувчиларни муваффақиятга эришишларида катта ҳиссаси бўлган устозларга ва отоналарига самимий миннатдорлик билдирилди.

Самарали фаолият олиб борган мактаб ўқитувчиларига вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари, шунингдек, битирувчиларга вилоят ҳокимлиги совғаси сифатида китоблар жамланмалари тақдим этилди.

Мактаб жамоаси томонидан тайёрланган чиқишлиар барчага манзур бўлди.

Маълумот ўрнида, жорий йилда шаҳар ва туманлардаги умумтаълим мактабларини 41 минг нафардан ортиқ битирувчи 11-синфни тамомламоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-05-25 12:59:36